

855 - وَعَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الرُّؤْيَا الصَّالِحةُ - وَفِي رِوَايَةِ الرُّؤْيَا الْحَسَنَةِ - مِنَ اللَّهِ، وَالْخَلْمُ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَمَنْ رَأَى شَيْئًا يَكْرُهُ فَلْيَنْفُثْ عَنْ شَمَائِلِهِ ثَلَاثًا، وَلْيَنْعُودْ مِنَ الشَّيْطَانِ؛ فَإِنَّهَا لَا تَصْرُّهُ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 6995، م 2261]

«النَّفُثُ» تُفْحَّ لَطِيفٌ لَا رِيقَ مَعَهُ.

855. Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар: «Солиҳ туш (бошқа ривоятда яхши туш) Аллоҳдан, ёмон туш шайтондандир. Ким ўзи ёқтирган нарсани кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва шайтондан паноҳ тиласин, шунда унга зарар қилмайди».

Муттафақұн алайх.

Шарҳ: Ёмон туш кўрган киши чап томонга енгилгина туфлаб: “Эй, Роббим! Кўрган тушимни ёмонлигидан паноҳ сўрайман”, деб қўяди.

Баъзи уламолар имкон бўлса ўрнидан туриб, таҳорат олиб, икки ракат нафл намоз ўқигани яна ҳам яхши, дейишган.

Тушни таъбирини сўрамоқчи бўлган киши, сўровчини яхши кўрадиган ёки олим кишига айтиши керак. Зоро, тушни нимага йўйса, ўшандай бўлади. Доим тушни яхшиликка таъбир қилиш керак. Ҳадисда келишича бир аёл уч марта келиб, Пайғамбаримизга: “Эrim тижорат билан кетган, ўзим ҳомиладорман, тушимда уйимнинг устуни синибди, ғилай бир бола туғибман”, дейди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳар сафар: “Эринг сафардан қайтади, солиҳ бир фарзанд туғасан”, дер эдилар. Охирги марта Оиша онамиздан тушининг таъбирини сўраганда, унинг эри вафот этиши, фожир бир бола туғишини айтдилар, шунда Пайғамбаримиз

алайҳиссалом:

“Ҳай-ҳай, Эй, Оиша! Ундей дема! Мусулмон кишининг тушини таъбир қилсангиз, яхшиликка таъбир қилинг. Чунки туш эгаси қандай таъбир қиласа, шундай бўлади ”, деганлар (Имом Дорамий “ҳасан” санад ила ривоят қилган).

Манба: hadis.islom.uz

